

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 585-ҳадис

585 - **Абу Хурайра** ривоят қилиб: **Расулulloҳ** соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб, «**Давлатмандлар олий даражатларни ва абадий неъматни илиб кетишдику**», дейишди. У зот: «**Нега энди?**» дедилар. «Улар биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқишади, биз рўза тутганимиздек рўза тутишади. Лекин улар садақа қилишади, биз эса садақа қила олмаймиз, улар қул озод қилишади, биз эса қул озод қила олмаймиз», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сиздан ўзиб кетганларга етиб олишингизга, сиздан кейиндагилардан ўзиб кетишингизга сабаб бўладиган, (агар қилсангиз,) худди сиз қилган нарсани қилганлардан бошқа ҳеч ким сиздан афзал бўла олмайдиган нарсани сизларга ўргатайми?**» дедилар. Улар: «**Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули**», дейишди. «**Ҳар намоз кетидан ўттиз уч мартадан тасбиҳ, такбир ва ҳамд айтасиз**», дедилар».

«**Кейин муҳожирларнинг фақирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига қайтиб келиб, «Пулдор биродарларимиз ҳам биз қилган нарсани эшитиб қолиб, худди шундай қилишди**», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бу Аллоҳнинг фазли, уни ўзи**

### 1. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Муҳожирларнинг фақирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб, «Давлатмандлар олий даражатларни ва абадий неъматни илиб кетишдику», дейишди. У зот: «Нега энди?» дедилар. «Улар биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқишади, биз рўза тутганимиздек рўза тутишади. Лекин улар садақа қилишади, биз эса садақа қила олмаймиз, улар қул озод қилишади, биз эса қул озод қила олмаймиз», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан ўзиб кетганларга етиб олишингизга, сиздан кейиндагилардан ўзиб кетишингизга сабаб бўладиган, (агар қилсангиз,) худди сиз қилган нарсани қилганлардан бошқа ҳеч ким сиздан афзал бўла олмайдиган нарсани сизларга ўргатайми?» дедилар. Улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «Ҳар намоз кетидан ўттиз уч мартадан тасбиҳ, такбир ва ҳамд айтасиз», дедилар».

«Кейин муҳожирларнинг фақирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига қайтиб келиб, «Пулдор биродарларимиз ҳам биз қилган нарсани эшитиб қолиб, худди шундай қилишди», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу Аллоҳнинг фазли, уни ўзи

**хоҳлаганига беради», дедилар».**

*Муттафақун алайҳ. Бу Имом Муслим ривоятидаги лафздир.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI